

2. Банда усти билан ичини, ошкораси билан яширинини бир хил қилиши, яъни ташқи кўриниши гўзал бўлиб, ичи хароб бўлмаслиги лозим. Сиррий Сақатий ҳазратлари: “Кимки инсонларнинг кўзи учун амалини чиройли қилса, Аллоҳ таолонинг назаридан у амал соқит бўлади”, деганлар.

3. Банданинг наздида одамларнинг уни мақташи ҳам, ёмонлаши ҳам бир хил даражада бўлиши керак. Яъни кишиларнинг мақтов ва айбловларига эътибор қилмаслик лозим. Улуғлардан бирлари: “Агар сен Аллоҳнинг ҳузурида мақтовга сазовор инсон бўлсанг, кишилар сени ёмонлашининг сенга ҳеч бир зарари етмайди. Шунингдек, агар сен Аллоҳнинг ҳузурида мақтовга сазовор инсон бўлмасанг, у ҳолда кишилар сени мақташининг сенга ҳеч қандай фойдаси тегмайди”, деган экан.

4. Банда ўз амалида ихлос қилаётган бўлса, бу ҳолдан ўзи ажабланмаслиги, уни бировларга гапирмаслиги ёки эшиттирмаслиги керак. Акс ҳолда, қилган амали бутунлай бекор бўлади. Шунинг учун ҳам кўпчилик орифлар киши ўзининг қилаётган амалини, ихлосини ҳисоб китоб қилмаслиги лозимлигини кўп таъкидлаганлар. Бу борада хатто Абу Яъқуб Сусий: “Қачонки банда ўзининг ихлосини мукаммал ихлос дея ҳисобласа, шу ондан бошлаб унинг ихлоси ихлосга муҳтож бўлади”, деган. Абу Бакр Даққоқ шундай деган: “Ҳар бир мухлиснинг нуқсонини ўз ихлосига эътибор бериб, уни камолга етди деб ўйлашидир”. Абу Усмон Маърибий қуйидаги маънодаги гапни айтган: “Ҳақиқий мухлис бандалар бир амални бажараётганларида ўзларини ҳам, қилаётган амалларини ҳам, ўша амалларидаги ихлосини ҳам ўйламайдилар. Улар бу пайтда фақатгина ўзларига ихлос неъматини ато этган Аллоҳ азза ва жаллани ўйлаб, амални Унинг ўзига холис қиладилар”.

5. Банда бу дунёда қилаётган солиҳ амалим охиратда савобга эришишимга сабаб бўлади деган фикрни миясидан чиқариб ташлаши лозим. Чунки, баъзида унинг амалига ихлосга путур етказадиган бирор нарса қўшилиб қолиб, натижада амал Аллоҳнинг даргоҳида қабул бўлмай қолган бўлиши мумкин. Зеро, Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

نَبِيٍّ قُتِّمْنَا نَمُؤَلَلَّ بَقَاتِي أَمَّنْ

“Албатта, Аллоҳ тақводорлардангина қабул қилади”. (Моида сураси, 27-оят).

Демак, Аллоҳ фақат тақводорларнинг амалини қабул қилар экан. Чунки, тақводор банда барча амалларини ихлос билан адо этади. Шу маънода ҳадиси шариф ҳам ворид бўлган.

Заҳҳок ибн Қайсдан ривоят қилинади, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Амалларингизни Аллоҳ учун холис қилинглар. Чунки, Аллоҳ фақат Ўзига холис қилинган амалнигина қабул қилади”**, дедилар. *Дорақутний ривояти.*

6. Банда қилаётган амаллари қанчалик катта бўлмасин, Аллоҳнинг унга берган энг кичик неъматига ҳам тенг кела олмаслигини билиши лозим. Зеро, ўша амални қилиш учун унга куч-қувват, сабр, ихлос каби неъматларни берган Унинг ўзидир. Шунинг учун банда ўз амалларини савобни жалб қилувчи омил деб қарамаслиги, эришаётган савобларини Аллоҳнинг унга кўрсатаётган инъоми, эҳсони, фазли деб билиши лозим. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Сизлардан ҳеч бирингизни қилган амали жаннатга киритмайди”**, дедилар. **Шунда саҳобалар: “Сизни ҳамми эй Расулуллоҳ?” дейишди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Мени ҳам. Аммо Аллоҳ мени Ўз раҳмати билан ўраб олсагина (жаннатга кирман)”**, дедилар. *Муттафақун алайҳ.*

7. Банда ўзи сезмаган ҳолда қалбига риё ва ҳавойи нафснинг киришидан кўрқиши керак. Чунки, шайтоннинг қалбга кирадиган махфий йўллари бор. Гоҳида шайтон бандага зоҳирий маъсиятларни қилдиришдан умидини узиб, ботиний маъсиятларни қилдириш учун қалбга кириб олади. Қалбга кириб олган шайтон бир кун келиб ўз мақсадига эришади. Натижада банданинг Аллоҳнинг розилигини кўзлаб қилган ибодатларини, амалларини зое бўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ихлос билан ибодат қилиш қийин, шу сабабли мухлис бандалар ҳам кам. Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий: “Ла илаҳа иллаллоҳ” калимасини айтувчилар (мусулмонлар) кўп, аммо уларнинг ичида ихлосилари кам”, деган эканлар.

Юқорида санаб ўтганимиз мукамал ихлосни шакллантириб, уни кучайтирувчи омиллардир. Ҳар бир киши ўзида юқорида санаб ўтилганлардан қанчаси бор ёки йўқлигига қараб ихлосининг миқдорини, даражасини билиб олиши мумкин. Ихлоснинг бундан бошқа шакллантириб, ривожлантирадиган омиллари ҳам бор. Аммо биз бу ўринда энг асосийларини келтириб ўтдик. Аллоҳ барчамизнинг ихлосимизни зиёда қилиб, ҳар бир амални Ўзигагина холис қилишимизни насиб этсин!

Ихлоссиз амал қилишдан ва уни зое бўлишидан асрасин, омин!

Нозимжон Ҳошимжон